
МАКТАБ ОРОМГОҲЛАРИ БОЛАЛАР БИЛАН ГАВЖУМ

Болаларнинг ёзги таътилини мазмунли ташкил этиш, уларнинг оромгоҳларда дам олиши ва билим орттириши учун Марғилон шаҳрида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан шаҳримиздаги 1-,10-,13-,18 ҳамда 20-умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилган ёзги оромгоҳлар бугун 500 нафардан зиёд болалар билан гавжум.

1-сектор ҳудудидаги 18-умумтаълим мактабида очилган «Қувноқ болалик» номли оромгоҳда ҳам ўқувчилар ёзни соз ўтказмоқдалар.

Ушбу оромгоҳда болалар «Ёш мусаввир», «Китоб мутолааси», «Муסיқа» ва турли фан тўғаракларига қатнашиш билан биргаликда, спорт ва билим беллашувларида ҳам иштирок этишмоқда.

2023-06-19 15:56:10